

2018

## International Islamic Academy of Uzbekistan – a result of the reforms worth TO THE centurIES

Zohidjon Islomov

*International Islamic Academy of Uzbekistan, zohidiy@yandex.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Islomov, Zohidjon (2018) "International Islamic Academy of Uzbekistan – a result of the reforms worth TO THE centurIES," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ – АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК  
ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ ИСЛАМСКАЯ  
АКАДЕМИЯ УЗБЕКИСТАНА – РЕЗУЛЬТАТ  
РЕФОРМ, РАВНЫЙ ЭПОХАМ**

**INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY  
OF UZBEKISTAN – A RESULT OF THE  
REFORMS WORTH TO THE CENTURIES**

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси, диний таълим, диний-маърифий соҳа, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ақида, “Зиё” медиа маркази, Ислом энциклопедияси бўлими, Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази.

**Ключевые слова:** Международная исламская академия Узбекистана, религиозное образование, религиозно-просветительская сфера, корановедение, хадисоведение, фикх, теология, медиа-центр «Зиё», отдел Исламской энциклопедии, Центр научных исследований и инновационных проектов.

**Key words:** International Academy of Uzbekistan, religious education, religious-educational field, Qur'an Studies, Hadith Studies, Fiqh, Kalam, “Ziyo” media center, Encyclopedia of Islam, Center for scientific researches and innovation projects.

Ўзбек халқининг миллий маънавияти муқаддас ислом дини ва унинг инсоний қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бунга Ватанимиз шонли тарихи ёрқин гувоҳлик беради. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида, айниқса сўнгги икки йилда миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган муқаддас ислом дини ва унинг юксак диний қадриятларини тиклаш, ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг бой маънавий ёзма меросини ўрганиш борасида асрларга татиғулик ислоҳотлар амалга оширилди ва бу соҳадаги хайрли ишлар давом этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида дунёвий ва диний соҳаларда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилганлиги, жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши,

турли ҳудудларда илмий мактабларнинг ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Жаннатмакон юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан то бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар – халқимизнинг буюк маънавий бойлигидир.

Маълумки, IX – XI асрлар фанда Шарқ уйғониш даври сифатида эътироф этилади. Шу муқаддас заминда туғилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний каби кўплаб алломаларимиз ислом таълимоти ва назарияси ривожига улкан ҳисса қўшганлар. “Муаллими соний” (Иккинчи муаллим) номини олган Абу Наср Форобий, “Шайх ур-раис” сифатида шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари даҳолар ана шу даврда яшаб, фаолият кўрсатишган ва фан соҳалари бўйича жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий каби муҳаддислар ислом оламида тан олинган Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи ҳадис тўпламларини туздилар.

Бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган дунё эътироф этган қадимий бешиқларидан бири ҳисобланади.

Ислом дини таълимотининг кенгқамровли соҳалари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар фаолияти йўлга қўйилиши мамлакат маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуслари билан очилаётган Самарқанддаги Имом Бухорий ҳадис илми, Имом Мотуридий калом илми мактаблари, Фарғонадаги Бурҳониддин Марғиноний фикҳ илми мактаби, Бухородаги – Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илми мактаби, Қаршидаги – Абу Муин Насафий ақида илми мактаблари соф ислом таълимотини чуқур ўрганиш ва шу соҳалар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида юртимизда диний-маърифий соҳа бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ай-

нан мана шу мақсадда Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент ислом университети негизда Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турадиган мазкур Академиянинг фаолият кўрсатиши эса диний-маърифий соҳа бўйича етук мутахассислар тайёрлаш, ислом дини ва таълимоти кенг қамровли тадқиқот методлари асосида ўрганиш имкониятларини очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони мувофиқ, Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академияси негизда ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгиланган:

– Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

– республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш;

– ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятнинг эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш;

– кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ҳамда таълимнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш;

– ўқитишнинг замонавий услуб ва методлари, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг жорий этиш асосида таълим сифатини ошириш;

– илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш;

– ислом оламида юзага келаётган долзарб масалалар, замонавий сиёсий жараёнларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш;

– мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда

Ўзбекистонда кейинги икки йилда диний-маърифий соҳада асрларга татуғилик ислохотлар амалга оширилди. Халқаро йирик илмий марказлар, янги диний таълим масканлари очилди. Тошкент ислом университети негизда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши диний таълим, диний-маърифий соҳалардаги илмий тадқиқотлар учун катта имкониятлар яратди. Таълим тизимининг бакалавр, магистратура, докторантура босқичлари қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ақида, ислом иқтисодиёти ва молияси каби янги йўналиш ва мутахассисликлар билан бойиди. Академия қошида мактаб, академик лицей, “Зиё” медиа маркази, Ислום энциклопедияси, Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази очилди.

В Узбекистане за последние два года в религиозно-просветительской сфере осуществлены реформы, равные эпохам. Открыты крупные международные научно-исследовательские центры и религиозные учебные заведения. Создание Международной исламской академии Узбекистана на базе Ташкентского исламского университета открывает огромные возможности для религиозного образования и научно-исследовательской деятельности в религиозно-просветительской сфере. В бакалавриате, магистратуре, докторантуре открыты такие новые направления и специальности, как корановедение, хадисоведение, фикх, теология, исламская экономика и финансы и другие. При Академии функционируют школа, академический лицей, медиа-центр «Зиё», отдел Исламской энциклопедии, Центр научных исследований и инновационных проектов.

The reforms worth to the centuries in the religious and educational field have been carried out for the last two years in Uzbekistan. Large international scientific centers and new religious-educational schools were founded. Foundation of the International Islamic Academy of Uzbekistan on the basis of Tashkent Islamic University has created great opportunities for the religious education and scientific researches in the religious-educational fields. All degrees of the education system, especially bachelor, Master of Arts and doctorate degrees were enlarged with the new directions and specialties such as Qur'an Studies, Hadith Studies, Fiqh, Kalam, Islamic Economy and Finance. A school, academic lyceum, “Ziyo” media center, and centers for the Encyclopedia of Islam, scientific researches and innovation projects were founded under the Academy.

бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

– малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, шунингдек, Академия мутахассисларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга малака ошириш ҳамда

тажриба орттириш учун юбориш, талабаларнинг академик алмашинувини йўлга қўйиш.

Академия узлуксиз таълим тизимини ўзида жамлаган таълим, илмий, маънавий-маърифий муассаса ҳисобланади.

Таълим дастлаб Академия қошидаги мактаб билан бошланади, кейинги ўрта-махсус таълим академик лицейда давом эттирилади.

Бакалаврият исломшунослик (қуръоншунослик ва ҳадисшунослик, ақида ва тасаввуф, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва манбашунослиги), филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз шарқ адабиёти), диншунослик, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт (ислом иқтисодиёти ва молияси), филология ва тилларни ўқитиш (араб тили), туризм (зиёрат туризми), психология (дин социопсихологияси) таълим йўналишларида олиб борилади.

Академиядаги магистратура таълими юртимизда илк бора ташкил этилган мутахассисликлар билан кенгайтирилган. 2018 – 2019 ўқув йилида қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва манбашунослиги, диншунослик, тарих (ислом цивилизацияси), ислом иқтисодиёти ва молияси, мумтоз филология (мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги), халқаро муносабатлар ва замонавий сиёсий жараёнлар, туризм (зиёрат туризминини ташкил этиш ва бошқариш), психология (дин психологияси) каби 12 та магистратура мутахассислиги бўйича қабул амалга оширилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичида Ўзбекистонда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига биринчи марта 24.00.00 рақами билан «Исломшунослик» мутахассислиги киритилди. Академияда “Қуръоншунослик, ҳадисшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги”, “Фикҳ, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар”, “Диншунослик” ихтисосликлари бўйича таянч докторантура ва докторантура очилди ҳамда мутахассисликлар бўйича 21 та докторант ўқишга қабул қилинди.

Янги ўқув йилидан Академияга хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш жараёни ҳам бошлаб юборилди ва бакалаврият босқичига 5 та талаба қабул қилинди, таянч докторантурага 1 та докторант қабули режалаштирилган.

Таълим билан боғлиқ жараёнларни тўлақонли сифатли амалга ошириш мақсадида Академиянинг таркибий тузилмаси кенгайтирилди. Ўқув исломшунослик, мумтоз шарқ филологияси, ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультетларида олиб борилаётган. Факультетларга 12 та кафедра, жумладан ислом тарихи ва манбашуно-

лиги, ислом фанлари (қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ ва калом), “Динлар тарихини ўрганиш UNESCO”, “Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO”, шарқ филологияси, мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги, чет тиллари, дин психологияси ва педагогика, халқаро муносабатлар, ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми, ижтимоий-гуманитар фанлар, замонавий ахборот коммуникация технологиялари кафедралари бириктирилган. Шунингдек, Академияда «Динлар тарихини ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси 2000 йилнинг 16 сентябрь куни ташкил этилган. Кафедрани ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари, глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва геосиёсий аҳамияти, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситалари, Марказий Осиёдаги ноисломий конфессиялар каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган.

Академияда ISESCO (Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти) махсус кафедраси ҳам фаолият юритади. У 2017 йилнинг 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлаган. 2017 йилнинг 22 – 25 май кунлари Ўзбекистон делегацияси ISESCO Бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб, “Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO” кафедрасини ташкил этиш юзасидан Англашув меморандумини имзолади. Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқитишдан иборат.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази ислом дини ва маданиятини, Ватанимиз тарихи ва қадимий анъаналарини ҳамда аждоқларимизнинг бой диний илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, уларга оид мавжуд манбаларни илмий талаблар асосида тадқиқ қилиш, нашр этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек замонавий диний жараёнларни илмий таҳлил қилишга тегишли тақлиф-тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадини кўзлаб иш тутати.

Аждоқларимизнинг бой диний илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, уларга оид мавжуд манбаларни илмий талаблар асосида тадқиқ қилиш мақсадида “Буюк аждоқларимиз” туркумида ислом маданияти, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом илмлари ривожига беназир ҳисса қўшган алломалар Имом Доримий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Ҳафс Насафий, Имом Уструшаний ҳаёти ва ил-



мий мероси ҳақида рисоалар, шунингдек “Юрти-миз алломалари” номли китоб нашр этилган.

Буюк аждодларимизнинг ислом дини ва маданияти ривожига алоҳида ўрин тутган асарларини илмий асосда тизимли тадқиқ қилиш ва таржима қилиш мақсадида “Маърифат зиёси” туркумида Имом Доримийнинг ислом аҳди ва уламолари томонидан энг ишончли деб топилиган тўққиз ҳадислар тўпламлари сирасига киритилган “Сунан” асари илк марта араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Буюк алломаларимизнинг ахлоқ-одоб соҳасига оид ҳикматли фикрлари жамланган “Тафаккур дурдоналари” номли тўплам, шунингдек “Ривоятлар бўстони” китоби, “Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълим ва услублар, таҳлил ва хулосалар” номли китоблар тайёрланди ва кенг жамоатчиликка етказилган.

Марказ томонидан маҳаллалардаги диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, отинойилар, профилактика нозирлари ва посбонлари, жазони ижро этиш муассасаси тарбиячилари, Мудофаа вазирлиги офицерлари, диний-экстремистик оқимга мойиллиги бор фуқаролар билан ишловчи мутахассислар ҳамда меҳнат мигрантлари учун китоб ва рисоалар, буклетлар, ҳужжатли фильмлар тайёрланган. Диний мутаассиблик ва миссионерлик уюшмалари фаолиятининг вайронкор моҳиятини фош этиш ҳамда бундай ҳаракатларнинг олдини олиш масалаларини тизимли ёритиш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” туркуми доирасида “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Диний бағрикенглик ва мутаассиблик” (юз саволга юз жавоб), “Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари” (юз саволга юз жавоб), “Ҳидоят ортига яширинган залолат”, “Жаҳолат тўри”, “Ҳалокат тузоғи”, “Бугунчи даъватчилар”, “Исломга ёт жамоа”, “Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари”, “Маърифат гулшани: диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма”, “Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар” номли рисола ва китоблар, шунингдек, “Диний экстремизм – келажакка таҳдид”, “Дин ниқоби остидаги ахборот хуружлари”, “Огоҳ бўлинг – “секта” номли буклетлар нашр этилган.

Замонавий тадқиқотлар доирасида “Дин психологияси” номли ўқув қўлланма, “Исломшунослик” қомусий луғати, “Глобаллашув ва диний жараёнлар”, “Тасаввуф атамалари” изоҳли луғати, “Диний бағрикенглик ижтимоий-психологик феномен сифатида”, “Ислом маърифати ва ҳозирги замон” номли китоблар нашр этилган.

Тадқиқотлардаги концептуал хулосалар, назарий ва амалий ишланмалар, чоп этилган нашр ишларидан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсадини фош этишга қаратилган самарали усул-услугларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув семинар, давра суҳбатларини ўтказиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларда “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Диншунослик асослари” фанларини ўқитишда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ўқув билим юрғларининг ўқув жараёнида, шунингдек Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги “Ислом тарихи”, “Қуръоншунослик”, “Ҳадисшунослик”, “Тасаввуф”, “Ислом ва ҳозирги замон”, “Динлардаги оқимлар ва секталар”, “Ахборот истеъмоли маданияти”, “Ислом манбашунослиги”, “Дин фалсафаси”, “Дин социопсихологияси”, “Дин психологияси” каби фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда.

Маълумки, юртимиз қўлёзма манбаларига жуда бой ҳудудлардан саналади. Ҳозирда Республикамизда мана шу бойликни аниқлаш, топиш, жамлаш, ўрганиш ишига алоҳида эътибор қаратилган. Академиядаги исломшунослик соҳасида етук мутахассис кадрларни тайёрлаш таълим жараёнида, илмий тадқиқотларни олиб боришда алломаларимиз илмий меросидан кенг фойдаланиш талаб этилади ва бу жиддий ижобий натижалар беради. Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш мақсадида Манбалар хазинаси ташкил этилган ва у ҳозирда ўз иш фаолиятини самарали юритиб келмоқда. Бўлимнинг асосий вазифаси минг йиллар давомида аждодларимиз томонидан яратилган илмий-маънавий, диний меросимиз дурдоналарини жамлаш, сақлаш ҳамда уларни келгуси авлодларга муносиб тарзда қолдириш, шунингдек, бу бебаҳо мерослар устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан иборат. Бўлимнинг қўлёзма ва тошбосма китоблардан иборат фонди асосан аҳоли қўлида сақланаётган нодир китобларни сотиб олиш эвазига бойитиб борилади. Ҳозирги кунда Манбалар хазинасида 500 нусхага яқин нодир қўлёзма манбалар, 1500 нусхага яқин тошбосма китоблар, 10 000 нусхадан ортиқ замонавий нашр китоблари сақланмоқда.

Манбалар хазинасида Қуръон ва ҳадис илмлари, тасаввуф, мантик, балоғат илмлари, шунингдек, табиий фанларга оид математика, астрономия, гео-

метрия ва тиббиёт каби илм соҳаларига тааллуқли китоблар бор. Хазинада ўта нодир манбалар ҳам сақланади. Жумладан, XIII асрнинг биринчи ярмида нафис насх хатида шарқ ипак қоғозига китобат қилинган Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарининг қўлёзмаси мавжуд. Ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилган муҳим фикҳий манбалардан бири сифатида мазкур асар Марказий Осиё, Миср, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларда кенг тарқалган. Асарга “Кифоя”, “Ниҳоя”, “Иноя”, “Бидоя” каби ўнлаб қисқартма, шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Ушбу фикҳий асар ҳозирга қадар диний билим юртларида дарслик сифатида ўқитиб келинмоқда. Ўзбек, урду ва рус тилларига таржима қилинган.

Нодир қўлёзмалардан яна бири “Мажмуату-л-хутут” рисоласи ҳисобланади. Унда қадимги ёзув турларидан тортиб, ўрта аср ёзувлари, ҳатто уларнинг тараққий этган шакллари жами 60 дан ортиқ хат турлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Шунингдек, исломдан кейинги даврларда вужудга келган ёзув турлари, геокосмографик асарларда учрайдиган турли хил ёзув турлари, аниқ фанлардан кимё фанида қўлланиладиган махсус ёзув турларидан – “Баклатил”, “Симёи сағир”, “Симё ва кимё” каби хат турлари ҳам бор. Мазкур асар келажакда алоҳида тадқиқотларни талаб қиладиган манба бўлиб хизмат қилиши, тарихчи ва археологларга муҳим қўлланмалардан бири бўлиши мумкин.

Академиянинг муҳим бўғинларидан бири “Зиё” медиа маркази саналади. У дастлаб Тошкент ислом университети қошидаги “Зиё” талабалар студияси сифатида 2000 йил август ойида ташкил этилган бўлиб, ўз олдига диний-маърифий, ижтимоий, тарихий, илмий-оммабоп кўрсатувларни тайёрлаш ва тақдим этишни мақсад қилган. У ўша йили 5 августда ўзининг илк кўрсатувини Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 1-канали орқали тақдим этган.

Ҳозирда марказда тайёрланган кўрсатувлар «O‘zbekiston» телеканали орқали ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари “Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида” рукни остида ҳамда душанба кuni “Имом Бухорий сабоқлари” номли дастурлар орқали эфирга узатилади. Шунингдек, ҳар йили муборак Рамазон ойида “Рамазон тухфаси” туркум фильмларини ҳам тақдим этади. Бугунга қадар марказ томонидан турли диний-маърифий мазмундаги олти юз эликдан ортиқ фильм ва кўрсатувлар тайёрланган.

“Зиё” медиа маркази кўрсатувларида имом-хатиблар, профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ва ёши улуғ нурунийлар ҳам иштирок этади. Республика аҳолиси, айниқса ёшлар орасида марказ маҳсулотларига талаб катта. Шу боис, 2017 йил 15 июнь кuni Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимиз-

нинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда Президентимиз “Зиё” медиа маркази фаолиятини алоҳида эътироф этиб, “Ўзбекистон” телеканали орқали бериладиган “Ҳидоят сари” маърифий дастури ва “Зиё” студияси кўрсатувларини, ўйлайманки, юртимизда кўпчилик катта қизиқиш билан томоша қилади. Ана шу кўрсатувлар ижодкорларининг самарали меҳнатини инобатга олиб, уларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз” деб таъкидладилар.

Бу соҳадаги муҳим ишларни жадаллаштириш мақсадида «O‘zbekiston» телерадиоканалининг “Ҳидоят сари” студияси ва “Зиё” медиа маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.

Академияда “Ислом тафаккури” ҳамда “Ўзбекистон халқаро ислом академияси бюллетени” журналлари ташкил этилган. Ушбу журналлар Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Фахрли бой тарих, нодир маънавий мерос ва минглаб алломаларга эга юртимиз ҳақида маълумот бериш, уни дунёга танитиш жараёнида энциклопедияларнинг ўрни катта. Ушбу соҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар сифатида “Ислом энциклопедияси”нинг яратилиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 2018 – 2028 йиллар мобайнида энциклопедиянинг 50 мингдан ортиқ мақола, безак материаллари, харита ва чизмалар киритилган 20 жилддигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. 2018 йилнинг охирида энциклопедиянинг биринчи жилдини нашр этиш мўлжалланган. Энциклопедияни нашрга тайёрлаш жараёнига юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, диний уламолари жалб этилган. Яратилажак Ислом энциклопедияси ўзининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бошқа шу соҳадаги энциклопедиялардан тубдан фарқ қилади. Унда айниқса юртимиз алломалари, уларнинг ислом цивилизациясига муносиб улуш бўлиб қўшилган нодир асарлари, шарҳлари, ватанимиздаги ислом маданияти обидалари, муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини ёритишга алоҳида урғу берилади.

Академияга халқаро мақом берилганлиги муносабати билан ўтган қисқа муддат ичида Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркиянинг Ибн Халдун, Истанбул Займ, Салжук, Кастамону, Индонезиянинг Жакарта Саҳид университетлари, шунингдек Буюк Британия, Қозоғистон давлатлари олий таълим муассасалари ва марказлари билан тўққизта Англашув меморандуми имзоланди ва ҳозирда улар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясининг Россия ислом институти, Москва ислом институти, Булгар ислом академияси, Санкт-Петербург давлат университети, Қозоғистоннинг Хожа Аҳмад Яссавий халқаро университети, Қирғизистоннинг И.Арабаев номидаги Қирғиз давлат университети, Кувейт университети, Малайзия ислом илмлари университети, Нидерландиянинг Лейден университети билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Академияга 2018 йилнинг иккинчи ярмида Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё қитъаларининг 20 га давлатидан ташриф ва мурожаатлар амалга оширилди. Айниқса, Миср Бош имоми, Ал-Азхар мажмуаси раҳбари Аҳмад ат-Тойиб бошчилигидаги делегация, Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажжар бошчилигидаги делегациянинг ташрифлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари томонидан ўндан зиёд мамлакатга йигирмага яқин хорижий илмий сафарлар ташкил этилди. 2018 – 2019 ўқув йилидан Академияга 5 нафар хорижий талаба ўқишга қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳужжатлари асосида хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш ҳамда чет элик профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди. Шунингдек, Академия докторантурасига ҳам хорижлик талабаларни қабул қилиш режалаштирилган.

Академиянинг халқаро майдондаги имиджини ошириш, салоҳиятини намоёништириш, хорижлик фуқароларни академияда ўқишга кенг тарғиб қилиш имкониятини ошириш мақсадида унинг янги расмий веб-сайти – [www.iiu.uz](http://www.iiu.uz) яратилди, ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида буклет, брошюра, проспектлар, реклама роликлари тайёрланди ва оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари орқали тарқатилди. Академиянинг фаолиятига доир мақолалар маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан ташқари Россиянинг [www.ru.sputniknews-uz.com](http://www.ru.sputniknews-uz.com) ва [www.ansar.ru](http://www.ansar.ru) Мисрнинг Ал-Азхар мажмуаси сайти ва ижтимоий тармоқларида ҳам берилди.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5416-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 466-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

8. Ш.Ёвқочев. Аждодлар орзу қилган муборак маскан. “Ислом тафаккури” журнали. 2018. № 1. –Б. 4-8.

**Zohidjon ISLOMOV,**  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси проректори,  
филология фанлари доктори,  
профессор

